ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00261

ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Равшан Йўлдошевич Маҳаммадалиев
Чирчиқ давлат педагогика институти Табиий фанлар факультети
География кафедраси

Гулчехра Абдуллаевна Ешимбетова
Чирчиқ давлат педагогика институти Табиий фанлар факультети
География кафедраси магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақоламнинг мақоламнинг мақсади шундан иборатки, ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методалари кенг қўлланилмоқда Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда уни таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган турли-туман методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ўсишига олиб келади. География фанини ўқитишда модулли таълим технологиясидан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш юқори самарадорликка эришилади. Модулнинг максади ва вазифалари “Олий таълимда география фанларини укитиш методикаси” модулининг мақсади: педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Калит сўзлар: модул, модулли таълим технологияси, модулли ўқитиш мақсадлари, модулли ўқитишни назарий таҳлил қилиш, модулли ўқитиш назарияси.

MODULE EDUCATION TECHNOLOGY IN TEACHING GEOGRAPHY

Ravshan Yuldashevich Mahammadaliev
Department of Geography, Faculty of Natural Sciences
Chirchik State Pedagogical Institute

Gulchehra Abdullaevna Eshimbetova
Master student of Geography, Faculty of Natural Sciences
Chirchik State Pedagogical Institute

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00261

ABSTRACT

The purpose of this article is that modern teaching methods are now widely used in the educational process The application of modern teaching methods leads to high efficiency in the teaching process. While maintaining the traditional form of teaching, enriching it with a variety of methods that activate the activities of learners leads to an increase in the level of mastery of learners. The organization of lessons using modular educational technology in the teaching of geography is highly effective. Aims and objectives of the module The purpose of the module "Methods of teaching geography in higher education": regular updating of professional knowledge, skills and abilities of teachers to ensure the educational process at a high scientific and methodological level, their professional competence based on qualification requirements, curricula and programs and ensuring the continuous development of pedagogical skills.

Keywords: module, modular learning technology, modular teaching objectives, theoretical analysis of modular teaching, modular teaching theory.

КИРИШ

Умумий ўрта ҳамда олий таълим Давлат стандартида нафакат ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантириш, балки ўқувчиларнинг узлаштирган билим, кўникма хамда фаолият услубларини реал ҳаётда, амалиётда қўллай билишини таъминлаш лозимлиги кўрсатилган.

Шундай экан география фанини замонавий методлар орқали ўқитиш мақсадга мувофиқдир. География фани тез ривожланаётган фанлар қаторига киради. География бутун борлиқ ер усти ҳамда ер остини, минерал бойликларнинг тарқалишини, ўсимликлар ва ҳайвонат оламининг тарқалишини, инсонларнинг турмуш шароитини, давлатларнинг жойлашган ўрнини, ер юзи иқлимини ва ҳакозаларни ўрганувчи ҳамда илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борувчи кенг тармоқли фан ҳисобланади.

Мактабларда география фанини ўргатиш география таълими мазмуни замон фан ва технологияларининг тарихий ривожланишига мос келиши лозим. Мактаб географияси таълими олдига кониюктив-идрок қилиш, тизимли, илмий-дунёқарашли, экологик, эстетик, амалий-фаолиятли характердаги янги вазифалар олға сурилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПК,-2909-сонли “Олий таълим тизимни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини, фан блокларининг хажмини оптимизациялаш, ўқув дастурларининг мослашувчанлигини таъминлаш, уларни илмий ва касбий тайёрлашнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00261

замонавий талабларига мослаштириш, ўқув-тарбиявий хамда илмий-тадқиқот жараёнларини ташкиллаштиришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш" лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўқув дастурига асосан, география фанини модулли ўқитиш технологиялари асосида ўқитиш ўқувчи ва талабаларнинг ўқув фаолиятида юқори натижаларга эришишига имкон беради хамда ўз-ўзини ўстиришига шароит яратади, қўшимча меҳнат қилиш ҳоҳишини шакллантиради, таълимнинг юқори даражадаги мотивациясини таъминлайди, таълимнинг ижобий эмоционал фонини ва муваффақият қазониш шароитини яратади.

Модуль - лотинча сўз бўлиб, «modulies» - «ўлчов», «услуб» маъноларини англатади. "Модуль" атамаси педагогикага информатика фанидан кириб келган бўлиб, у турли ахборот тизимларида фойдаланиладиган конструкция маъносини беради ҳамда уларнинг эгилувчанлигини кўрсатади.

Модулли ўқитиш мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- талабаларнинг мустакил таълимини ташкиллаштириш;
- хар бир таълим олувчининг майл, қизиқиш, имкониятларига қараб таълим эхтиёжларини қондириш;
- таълимни далилий (мотивацион) бошқариш;
- таълим олувчининг ўқув-англаш фаолиятини бошқариш кўникмаси, интеллекти, мустақиллиги, жамоавийлик туйғуларини ривожлантириш.

Модулда ўқув мазмуни ва уни эгаллаш технологияси ҳамда назорат ва коррекциялаш тизимлари яхлит тизимга бирлашган. Модулли ўқитишнинг асосий ташкилий-мазмуний бирлигини модуль, модулли бирлик (субмодель), ўқув элементи ва блоклар ташкил килади. Модуль - модулли ўқитишнинг асосий ташкилий-мазмуний бирлиги булиб, у касбий фаолиятда маълум даражадаги катталикка эга бўлган ўқув материалидир. Модулнинг асосий ахборот ташувчиси - бу ўқув элементи булиб, у ўқув материалининг кичик аҳамиятга эга бўлган қисми ва у касбий масаланинг қайсидир бўлагини ифодалашга хизмат килади.

НАТИЖАЛАР

Модулли ўқитиш ривожлантирувчи таълимнинг асосий вазифаларини ечишга йуналтирилган: креативликни ривожлантириш, командада ишлаш кўникмасини шакллантириш, лойихавий тафаккурни ривожлантириш, аналитик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00261

қобилиятларни такомиллаштириш, ўз-ўзини ўқитиш хамда мустақиллик қобилиятларини ўстиришга қаратилган.

Модулли ўқитиш дарснинг барча турларини ўзида мужассамлаган:

- янги материални ўрганиш;
- билимларни комплекс қўллаш;
- аралаш (комбинациялашган) дарс;
- назорат-хисоб;
- коррекциялаш дарси ва хоказолар.

Модулли ўқитишнинг бош моҳияти шундан иборатки, унда ўқув фаолияти модуль ўқув дастурига мос равишда ташкиллаштирилади, унда талаба тўлиқ ўқув-англаш фаолияти мақсадига модуль устида мустақил (кам холларда ўқитувчи ёрдамида) ишлаш жараёнида эришади. Модулли технология индивидуал таълимни: таълим мазмуни бўйича, ўзлаштириш темпи бўйича, мустақиллик даражаси бўйича, ўқитиш усул ва услублари бўйича, назорат ва ўз-ўзини назорат услублари бўйича таъминлайди.

Модулли технологиянинг методологик моҳияти шундан иборатки, у талабага “педагог-талаба” тизимида марказий ўрин ажратади ва уни таълим ва тарбия объектидан фаол таълим субъекти позициясига кўчиради.

Модулли ўқитишда индивидуаллаштириш принципи дифференциаллашган таълим сифатида мужассамлашади. Модулли ёндашувнинг муҳим хусусияти унинг актуал вазифаларни бажариши билан боғлиқ, яъни кишиларни тез ўзгарувчан ишлаб чиқаришга, муҳим қарорлар қабул қилишга ва масалаларни ечишга мослаштиришдан иборат.

Модулли ўқитишни жорий қилиш кўп жиҳатдан унинг асосий ва муҳим тамойиллари билиш ва амал қилиш билан боғлиқ бўлади. Модулли ўқитиш назарияси ҳар қандай дидактик назария сингари дидактик тамойилларга, унинг асосий йўналишларига, мақсад ва мазмунига, англаш фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқариш услубларига асосланади.

Ҳар бир модуль қуйидаги материаллар асосида тайёрланади:

*Ишчи ўқув дастури ;
*Талабалар билимини назорат қилиш учун тестлар;
*Индивидуал ишлаш учун топшириқлар;
*Мустақил ишлаш учун топшириқлар;
*Ўқув-услубий тарқатма материаллари;
*Ўқув адабиётлар рўйхати.

Модуль технологиялари муаммоларининг ишлаб чиқувчилари томонидан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00261

таъкидлашича, модуль тушунчаси аниқ фанлар ва техникада функционал ва яхлит тизим бўлиб, маълум рақамларда чегараланган ва у қандайдир аниқ функцияни бошдан охиригача бажарилишини таъминлайди.

Модулга қўйилган талаблар қуйидагилар иборат:

- Аниқ мақсад(талаба модуль сўнгида қандай билимларга эга бўлиши керак) қўйилиши;
- Модулнинг таркибидаги мавзуларни содда ва мантиқий кетма-кетликда бўлиб чиқиш зарур;
- Модулнинг турли компонентларни турлича етказиш;
- Маълумотларни содда етказиш(кейсларни қўллаш)
- Қўшимча материаллар, видеоларни мустақил таълим учун бериш

Модулли ўқитишни назарий таҳлил қилиш унинг педагогик технологиялар тизимида қуйидаги хусусиятларини аниқлаш имконини берди:

- модулли ўқитишнинг дидактик тизими таълимнинг ҳар бир компонентини урганишни талаб қилади ҳамда модулли дастур ва модулларда аниқ кўринишини тақозо қилади;
- модулли ўқитиш таълим мазмунини аниқ структуризациялашни, назарий материални кетма-кет баён қилишни, ўқув жараёнини методик материал билан таъминлашни, шунингдек, баҳолаш тизими ва ўзлаштирилган билимни назорат қилиш орқали таълим жараёнига ўзгартиришлар киритиб боришни тақозо қилади;
- модулли ўқитиш таълим вариативлигини назарда тутади ҳамда ўқув жараёнини таълим олувчиларнинг индивидуал имкониятлари ва талабларига мослаб олиб бориш имконини беради;
- таълим мазмуни тугалланган мустақил комплекслардан иборат бўлиб, уларни ўзлаштириш эса белгиланган мақсадга мувофиқ амалга оширилади.

МУҲОКАМА

Мақсад таълим олувчи учун шакллантирилади хамда нафақат ўрганилаётган мазмун ҳажми, балки уни ўзлаштириш даражаси ҳам эътиборга олинган бўлади.

Бу каби ўзига хосликлар модулли ўқитишга юқори даражадаги технологик характерга эгалигидан, шунингдек, унинг юксак даражадаги структуризациялашган таълим мазмунига эгалигидан, дидактик тизим барча элементларининг аниқ кетма-кетликда модулли дастур шаклида ифодаланганлигидан (мақсад, мазмун, укув жараёнини бошкариш), ташкилий-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00261

методик бирликлар структуралари вариативлигидан дарак беради.

География фани бўйича модуль дастурини тайёрлаш ҳамда дарсни модулли ўқитиш доирасида ташкиллаштиришда қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ: модуль номи қисқа ва тушунарли бўлиши; модулни ўрганиш натижасида шакллантириладиган компетентлик кўрсатилиши; ривожланишга мос компетентлик даражаси асосланиши ва кўрсатилиши; шакллантирилган компетентлик даражасини аниқловчи кириш тестларининг мавжудлиги; шахсий тажрибани фаоллаштириш услубларининг ёритилиши; фаоллаштирилган тажрибани муҳокама ва таҳлил қилиш усулларининг ўйлаб қўйилиши; компетентликни ривожлантирувчи назарий билимларнинг кўрсатилиши, уни етказиш шакллари асосланиши; янги тажрибаларда “шахсий иштироки”, амалий вазифалар, компетентлик ривожланганлигини аниқловчи чиқиш тестларининг тақозо этилиши кабилар ўрин олади.

ХУЛОСА

Юқоридагиларни умумлаштириб шундай хулосага келиш мумкинки, модулли ўқитиш технологияси асосида ўқитиш ўқувчилар, олий ўқув юрти талабалари мавзуларни мустақил ва жамоавий ўрганиш, ўз фикрларини эркин баён этиш кўникмалари шакллантиради.

REFERENCES

1. Ражабов, Ф. Т., & Абдимуротов, О. У. (2020). ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ КУРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЁТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
2. Akbar Orolovich Shernaev (2021). GEOGRAFIYA DARSLARIDA “GEOGRAFIK SAYOHAT USULI” DAN FOYDALANGAN HOLDA DARSLARNI TASHKIL ETISH. Academic research in educational sciences, 2 (1), 370-376. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00047
3. Oybek Uralovich Abdimurotov (2021). “YEVROSIYO MATERIGI”NI O'QITISHDA “KEYS STADI” METODIDAN FOYDALANISH USULLARI. Academic research in educational sciences, 2 (1), 377-382. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00048
4. Джураева, Л. В. (2020). География дарсларида ахборот-коммуникация техналогияларидан фойдаланиш. *Узбекистонда илм-фан ва таълим,(5)*, 473-475.
5. Джумабаева, С. К. (2020). ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
6. Шомуродова Шахноза Гайратовна Природные озера Тянь-Шаня в зоне отдыха

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00261

Чимган-Чарвак // Европейское научное обозрение. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (дата обращения: 25.02.2021).

7. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.

8. Shernaev, A. O. (2020). GEOGRAFIYA DARSLARINI O'QITISHDA ATLAS VA XARITALAR BILAN ISHLASH TEXNOLOGIYALARI. Academic research in educational sciences, (4), 657-662.

9. Jurayeva, L. V., & Yeshinbetova, G. A. (2020). NOZOOGEOGRAFIK VAZIYATNI YAXSHILASHNING IJTIMOIY-IQTISODIY VA EKOLOGIK MUAMMOLARNI O'RGANISH PRINSIPLARI. Academic research in educational sciences, (4), 630-638.

10. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов (2020). ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ. Academic research in educational sciences, (4), 412-417.

11. Джураева, Л. В. (2020). Географияни укитиш жараёнида дидактик уйинли дарслардан фойдаланиш йуллари. *Замонавий узлуксиз таълим сифатини ошириш*, 125-129.

12. Джураева, Л. В. (2020). География фанини укитишда локал ва хусусий методик даражада фойдаланиладиган техналогиялар (интерфаол методлар методлар). *Интернаука*, *18*(147), 54-56.

13. Sherzod Ibroim Oglu Ibroimov, & Xaytgul Omonboevna Begalieva (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА "ТАБИАТШУНОСЛИК" ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 438-445.

14. Lobar Vohidovna Djurayeva, & Muhammadbek Norbek Ogli Berdiqulov (2021). UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA GEOGRAFIYA FANINI O'QITISHNI YANADA RIVOJLANTRISH. Academic research in educational sciences, 2 (1), 128-132. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00017

15. Sherzod Ibroimov, & Muhayyo Madaminova (2020). MAKTABLARDA GEOGRAFIYA FANINI O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH. Academic research in educational sciences, (1), 54-60. doi: 10.24411/2181-1385-2020-00009

16. Sharipov Shavkat Mukhamajanovich, Shomurodova Shahnoza Gayratovna, Gudalov Mirkomil Ravshanovich (2020) THE USE OF THE MOUNTAIN KARS IN THE TOURISM SPHERE IN CORT AND RECREATION ZONE OF CHIMGAN-CHARVAK. *Journal of Critical Reviews*, 7 (3), 475-481. doi:10.31838/jcr.07.03.87